

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРИНИНГ СУВ
ТЕЖОВЧИ СУҒОРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ
БЎЙИЧА ХАРАЖАТЛАРИНИНГ БИР ҚИСМИНИ ҚОПЛАБ БЕРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 25 октябрдаги ПҚ-4499-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сув тежовчи технологияларни кенг жорий этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Куйидагилар:

Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низом **1-иловага** мувофиқ;

Янги интенсив боғ, узумзор ва иссиқхоналарда сув тежовчи технологияларни жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низом **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

а) Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги:

қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сув тежовчи суғориш технологияларини жорий қилиш бўйича ҳудудий манзилли рўйхатларни шакллантиришга кўмаклашиш, уларни таҳлил қилиш ва манзилли дастурни шакллантириш ҳамда белгиланган тартибда тасдиқланишини ташкил қилиш;

сув тежовчи суғориш технологияларидан самарали фойдаланиш юзасидан тизимли мониторинг олиб бориш ҳамда манзилли дастурнинг жойларда ижросини таъминлашда, юзага келган муаммоларни бартараф қилишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликларига кўмаклашиш;

пахта хом ашёси етиштириш учун томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплашга субсидияларни ўз вақтида жойларга ўтказиб бериш;

б) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

янги интенсив боғ, узумзор ва иссиқхона хўжаликларидан сув тежовчи технологияларни жорий қилишга сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаб беришга субсидия ажратиш бўйича таклифларнинг Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш ҳамда Узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-қувватлаш жамғармалари Кенгашларида ўз вақтида кўриб чиқиш ҳамда субсидия ажратиш бўйича манзилли рўйхатни тасдиқлаш;

янги интенсив боғ, узумзор ва иссиқхона хўжаликларида сув тежовчи технологияларни жорий қилишга сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаб беришга субсидия ажратиш тўғрисида тегишли шартномаларни расмийлаштириш ҳамда ижроси бўйича мониторинг юритишни ташкил қилиш;

қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун субсидияларни ўз вақтида жойларга ўтказиб бериш;

в) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Давлат бюджетининг асосий параметрлари тасдиқлангандан сўнг сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплашга ажратилган маблағларни белгиланган тартибда:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига, шунингдек, унинг ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигига ҳамда Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлигига;

пахта хом ашёси етиштириш мақсадида томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун эса Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига етказиш;

г) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари:

қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш бўйича туманлар ва ҳудудий манзилли рўйхатларини шакллантириш ҳамда уларнинг ижросини ташкил қилиш;

жорий қилинган сув тежовчи суғориш технологияларини пухта ўрганиб, тегишли далолатномаларни, субсидия бериш тўғрисида хулосалар ва талабгорлар рўйхатларини ўз вақтида расмийлаштириш ҳамда субсидия ажратиш учун Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига, пахта хом ашёси етиштириш учун томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш бўйича эса Сув хўжалиги вазирлигига тақдим қилиб бориш бўйича масъулдир.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2020 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш манзилли дастурига мувофиқ сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун зарур маблағларни назарда тутсин.

4. Сув тежовчи суғориш технологияларини жорий қилишга кўмаклашиш бўйича туманлар ишчи комиссияларининг намунавий таркиби [3-иловага](#) мувофиқ тасдиқлансин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 июндаги 481-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2019 й., 6-сон, 125-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги қошидаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги [низомига](#) [4-иловага](#) мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 5-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси А.Д. Вахабов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 19 февраль,
98-сон

**Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 февралдаги 98-сон қарорига
1-ИЛОВА**

**Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сув тежовчи суғориш
технологияларини жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини
қоплаб бериш тартиби тўғрисида**

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига пахта хом ашёси, донли экинлар, сабзавот экинлари ва картошка, полиз экинлари ва озуқабоп экинлар (кейинги ўринларда қишлоқ хўжалиги экинлари деб аталади) етиштириш учун сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини, шунингдек, уларни харид қилиш ва қуришга ажратиладиган банк кредитлари бўйича фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаш тартибини белгилайди.

Сув тежовчи суғориш технологияси жорий этилган майдонлар учун субсидия давлат бюджетидан фақат бир мартаба ажратилади.

Календарь йил бюджети параметрларида сув тежовчи суғориш технологияси жорий этилган майдонларга субсидия ажратиш учун кўзда тутилган маблағларни ўтган йилларда сув тежовчи технологиялар жорий этилган майдонларга субсидия сифатида ажратилишига йўл қўйилмайди.

2. Мазкур Низом талаблари 2020 йил 1 январдан бошлаб сув тежовчи суғориш технологиялари жорий этилган майдонларга нисбатан татбиқ этилади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

талабгорлар — сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этувчи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари;

томчилатиб суғориш — қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришнинг ўсимликлар илдизи ёнидаги зонага кам миқдорда (томчилатиб) сув етказиб берадиган усули;

ёмғирлатиб суғориш — қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришнинг тупроқ ва ўсимликлар юза қисмига сув табиий ёмғир суви билан суғоришга имкон қадар яқинлаштирилган ёмғирлатиб суғориш орқали етказиб бериладиган усули;

кенг қамровли ёмғирлатиб суғориш тизими (кейинги ўринларда кенг қамровли суғориш тизими деб аталади) — кенг майдонни қамраб олувчи ўзи юрувчи агрегатнинг айланма ёки фронтал ҳаракатида сув етказиб бериладиган ёмғирлатиб суғориш тизими;

«спринклер» тизими — стационар калта пурковчи ускуналар ёрдамида сув етказиб бериладиган ёмғирлатиб суғориш тизими;

ерларни лазер ёрдамида текислаган ҳолда дискрет суғориш усули (кейинги ўринларда дискрет суғориш деб аталади) — қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришнинг ерларни дастлаб лазер қурилмали текислагич агрегат ёрдамида текислаб сув эгилувчан суғориш қувурлари орқали танафус билан етказиб берадиган усули.

4. Субсидияларнинг базавий ҳисоблаш миқдорлари экин майдонининг ҳар бир гектари учун қуйидаги миқдорларда белгиланади:

томчилатиб суғориш тизимлари учун — 8 млн сўм;

ёмғирлатиб суғориш тизимлари учун — 4 млн сўм;

дискрет суғориш учун — 1 млн сўм.

5. Ушбу Низомнинг **4-бандида** назарда тутилган субсидиялар миқдори унинг базавий ҳисоблаш миқдorigа қишлоқ хўжалиги экин тури ва ерларнинг бонитет балларидан келиб чиқадиган коэффициентни кўпайтириш йўли билан аниқланади.

6. Қишлоқ хўжалиги экин турлари ва ерларнинг бонитет балларидан келиб чиқадиган коэффициентлар ушбу Низомга **1-иловага** мувофиқ ҳисобланади.

Олдинги таҳрирга қаранг.

7. Талабгорларнинг сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплаш ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари томонидан тасдиқланадиган қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш манзилли дастури (кейинги ўринларда манзилли дастур деб аталади) доирасида амалга оширилади.

(7-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 июндаги 411-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.06.2020 й., 09/20/411/1000-сон)

2-боб. Манзилли дастурни шаклантириш тартиби

8. Ҳар бир туманда сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этишга кўмаклашиш бўйича туман ишчи комиссияси (кейинги ўринларда туман ишчи комиссияси деб аталади) Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган намунавий таркибда тузилади.

Туман ирригация бўлими туман ишчи комиссиясининг ишчи органи ҳисобланади.

9. Талабгорлар келгуси йилда сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш бўйича ҳар календарь йилининг 1 февралига қадар туман ишчи

комиссиясига ушбу Низомга 2-иловадаги шаклга мувофиқ ариза билан ёзма ёки белгиланган тартибда электрон шаклда мурожаат қилади.

Аризадаги маълумотлар ва тақдим қилинган ҳужжатларнинг тўғрилигига талабгорлар жавобгар ҳисобланади.

10. Туман ишчи комиссияси:

талабгорларнинг аризаларини қабул қилади ҳамда уч иш кунида жойига чиқиб ўрганади, сув тежовчи суғориш технологиялари жорий этиладиган ер участкаларининг майдонлари, шарт-шароитлари, ер бонитет балли ва шўрланиш даражаси, унинг етиштириладиган қишлоқ хўжалиги экинларига мослиги, сув ва электр энергияси билан таъминланганлик даражаси ва бошқа томонларини кўриб чиқади, шунингдек, талабгорларнинг молиявий ҳолатини ўрганади;

ўрганиш натижаси бўйича келгуси йилда сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш бўйича туман манзилли рўйхатларини (кейинги ўринларда туман манзилли рўйхатлари деб аталади) қишлоқ хўжалиги экинлари ва суғориш технологиялари турлари, ҳудудлар ҳамда талабгорлар кесимида ер участкаларининг майдонлари, ер бонитет балли, сув манбаи, хизмат кўрсатувчи тижорат банклари номи кўрсатилган ҳолда шакллантиради.

Туман манзилли рўйхатлари туман ишчи комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ва туман ишчи комиссияси раҳбари томонидан тасдиқланади.

Тасдиқланган туман манзилли рўйхатлари ҳар календарь йилнинг 15 февралига қадар кўриб чиқиш ва умумлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пахта хом ашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 27 декабрдаги ПҚ-4087-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган Сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этишга кўмаклашувчи ишчи гуруҳига (кейинги ўринларда ҳудудий ишчи гуруҳи деб аталади) белгиланган тартибда тақдим қилинади.

Туман манзилли рўйхатларининг тўғрилигига туман ишчи комиссияси раҳбари ва аъзолари масъул ҳисобланади.

11. Ҳудудий ишчи гуруҳ:

туманларнинг манзилли рўйхатларини таҳлил қилади ва қишлоқ хўжалиги экинлари ва суғориш технологиялари турлари, туманлар, ҳудудлар ҳамда талабгорлар кесимида ер участкаларининг майдонлари, ер бонитет балли, сув манбаи, хизмат кўрсатувчи тижорат банклари номи кўрсатилган ҳолда ҳудудий манзилли рўйхатларни (кейинги ўринларда ҳудудий манзилли рўйхатлар деб аталади) шакллантиради;

заруратга кўра, талабгорларнинг таклифларини жойига чиқиб қўшимча равишда ўрганади.

Ҳудудий манзилли рўйхатлар ҳудудий ишчи гуруҳининг барча аъзолари томонидан имзоланади ва ҳудудий ишчи гуруҳи раҳбари томонидан тасдиқланади.

Тасдиқланган ҳудудий манзилли рўйхатлар ҳар календарь йилнинг 1 мартига қадар Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига белгиланган тартибда тақдим қилинади.

Ҳудудий манзилли рўйхатларининг тўғрилигига ҳудудий ишчи гуруҳ раҳбари ва аъзолари масъул ҳисобланади.

12. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги:

ҳудудий манзилли рўйхатларни Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси билан биргаликда таҳлил қилади;

Олдинги таҳрирге қаранг.

манзилли дастур лойиҳасини Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар кесимида қишлоқ хўжалиги экинлари ва суғориш технологиялари турлари, ер майдонларининг прогноз параметрлари кўрсатилган ҳолда шакллантиради ҳамда ушбу банднинг иккинчи хатбошисида назарда тутилган ташкилотлар билан келишилган ҳолда ҳар календарь йилнинг 1 апрелига қадар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарига тасдиқлаш учун тақдим этади.

(12-банднинг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 июндаги 411-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.06.2020 й., 09/20/411/1000-сон)

Олдинги таҳрирге қаранг.

13. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари ҳар календарь йилнинг 15 апрелига қадар манзилли дастурни тасдиқлайди.

(13-банднинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 июндаги 411-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.06.2020 й., 09/20/411/1000-сон)

Тасдиқланган манзилли дастур Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларига ижро учун юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан келишган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этишнинг амалдаги ҳолатидан келиб чиқиб ҳамда талабгорлар розилиги асосида тасдиқланган ҳудудий манзилли рўйхатлардаги асосий параметрлар доирасида ўзгартиришлар киритиши мумкин.

14. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисми ушбу Низомга 3-иловада келтирилган схемага мувофиқ қопланади.

3-боб. Сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаш тартиби

15. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Давлат бюджетининг асосий параметрлари тасдиқлангандан сўнг сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплашга ажратилган маблағларни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига, пахта хом ашёси етиштириш мақсадида томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун эса Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига етказди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ушбу мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Сув хўжалиги вазирлигида очиладиган махсус шахсий ғазна ҳисобварағида юритилади.

16. Сув тежовчи суғориш технологияларини жорий қилган талабгорлар уларни фойдаланишга қабул қилишни ташкил қилиш ва субсидия ажратиш учун туман ишчи комиссиясига ёзма ёки белгиланган тартибда электрон шаклда мурожаат қилади.

17. Туман ишчи комиссияси мурожаат келиб тушган кундан эътиборан уч иш куни ичида:

муурожаат қилган талабгорнинг тасдиқланган ҳудудий манзилли рўйхатда борлигини текширади;

ҳудудий манзилли рўйхатда бор талабгор томонидан жорий қилинган сув тежовчи суғориш технологияларини жойига чиқиб талабгор ва пудрат ташкилоти вакили иштирокида ҳар томонлама пухта ўрганади ва ишлатиб кўради. Сув тежовчи суғориш технологиялари сифатли қурилиб, фойдаланишга тўлиқ тайёр ҳолда бўлса тегишли далолатномани расмийлаштиради, акс ҳолда далолатнома расмийлаштирилмайди;

далолатнома расмийлаштирилган талабгорга ушбу Низомга **4-иловага** мувофиқ шаклда субсидия ажратиш тўғрисида хулоса тайёрлайди.

Туман ишчи комиссияси раҳбари ва аъзолари талабгорга субсидия ажратиш тўғрисидаги хулосасининг ҳаққонийлиги учун масъул ҳисобланади.

18. Туман ишчи комиссиясининг талабгорларга субсидия ажратиш тўғрисидаги хулосалари умумлаштирилиб, уларнинг рўйхатлари ҳар ўн кунда ҳудудий ишчи гуруҳига кўриб чиқиш ва умумлаштириш учун белгиланган тартибда тақдим этилади. Рўйхатларга далолатномалар ва талабгорларга субсидия ажратиш тўғрисидаги хулосалар илова қилинади.

19. Ҳудудий ишчи гуруҳи:

туман ишчи комиссиясининг субсидия оладиган талабгорларнинг рўйхатлари келиб тушган кундан эътиборан икки иш куни ичида уларни таҳлил қилади, заруратга кўра, жойига бориб ўрганади.

ҳар ўн кунда тақдим этилган рўйхатларни умумлаштиради ва субсидия оладиган талабгорларнинг рўйхатларини шакллантириб, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига, пахта хом ашёси етиштириш учун

томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш бўйича субсидия олувчилар рўйхатларини эса Сув хўжалиги вазирлигига белгиланган тартибда тақдим этади. Ушбу рўйхатларга далолатномалар ва талабгорларга субсидия ажратиш тўғрисидаги хулосалар илова қилинади.

20. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

ҳудудий ишчи гуруҳлар томонидан тақдим этилган рўйхатларни улар келиб тушган кундан бошлаб ўн кун ичида Сув хўжалиги вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳамда «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси билан биргаликда кўриб чиқиб умумлаштиради;

якуний умумлаштирилган рўйхатларга мувофиқ талабгорларнинг сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш мақсадида уларнинг тижорат банкларидаги ҳисобрақамларига субсидияларни ўтказиб беради.

21. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги:

ҳудудий ишчи гуруҳлар томонидан тақдим этилган пахта хом ашёси етиштириш учун томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш бўйича субсидия олувчилар рўйхатларини улар келиб тушган кундан бошлаб ўн кун ичида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳамда «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси билан биргаликда кўриб чиқиб умумлаштиради;

якуний умумлаштирилган рўйхатларга мувофиқ талабгорларнинг пахта хом ашёсини етиштириш учун сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш мақсадида уларнинг тижорат банкларидаги ҳисобрақамларига субсидияларни ўтказиб беради.

4-боб. Сув тежовчи суғориш технологияларини жорий қилиш учун ажратиладиган банк кредитлари бўйича фоиз харажатларини қисман қоплаш учун субсидия ажратиш тартиби

22. Сув тежовчи суғориш технологиясини жорий қилган талабгорларнинг суғориш технологияси бутловчи қисмларини харид қилиш ва қуришга ажратиладиган банк кредитлари бўйича ҳар бир гектарга 20 млн. сўмдан ошмайдиган қисмига ажратиладиган кредитлар бўйича белгиланган фоиз харажатларини қоплаш ушбу Низомга **5-иловада** кўрсатилган фоизлар ва шартларда ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 16 январдаги 28-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси тўғрисидаги **Низом** талаблари асосида амалга оширилади.

23. Сув тежовчи суғориш технологиясини жорий қилган талабгорларга сув тежовчи суғориш технологияларини жорий қилиш ва уларнинг бутловчи қисмларини сотиб олиш учун ажратиладиган кредитлар бўйича бир гектарга 20 млн сўмдан ошган қисми (компенсация қилинмайдиган қисми) алоҳида тижорат кредити билан расмийлаштирилади.

24. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан икки иш кунида талабгорларнинг кредит мажбуриятлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш юзасидан Давлат бюджетидан маблағлар ажратиш тўғрисидаги талабномалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилади.

25. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг талабномаларини кўриб чиқади ва икки иш кунида тегишли маблағларни илгари ажратилган бюджет маблағларидан фойдаланиш ҳолатини инобатга олган ҳолда ажратади.

Бунда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан қўшимча асослантирувчи ҳисоб-китоб маълумотлари (тижорат банклари томонидан кредитнинг қанча муддатга ажратилганлиги, ўтган молия йилида ажратилган маблағлар билан қанча қисми қоплаб берилганлиги ва режалаштирилаётган молия йилида қолган қисми учун қанча маблағ талаб қилиниши ҳамда олинадиган кредит бўйича прогноз) талаб қилиб олиниши мумкин.

26. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан талабгорларнинг сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш билан боғлиқ лойиҳалари амалга оширилган ер майдонлари бўйича кейинги йилларда амалга ошириладиган лойиҳалари учун кредит мажбуриятларининг бир қисмини қоплашга йўл қўйилмайди

5-боб. Яқунловчи қоидалар

27. Тасдиқланган манзилли дастур ҳамда ҳудудий манзилли рўйхатлар Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг расмий веб-сайтларида эълон қилинади.

28. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси ҳамда ҳудудий ишчи гуруҳлар билан биргаликда талабгорлар томонидан жорий қилинган сув тежовчи суғориш технологияларидан самарали фойдаланиш юзасидан тизимли мониторинг олиб боради ҳамда юзага келган муаммоларни бартараф қилишда уларга ҳар томонлама кўмаклашади.

29. Талабгорларнинг сув тежовчи суғориш технологияларини жорий қилиш билан боғлиқ харажатлари ҳамда тегишли кредит фоизларининг бир қисмини қоплаш бўйича Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши юзасидан назорат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат молиявий назорати департаменти томонидан амалга оширилади.

30. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низомга

Қишлоқ хўжалиги экинлари турлари ва ерларнинг бонитет балларидан келиб чиқадиган коэффициентлар

МИҚДОРЛАРИ

Суғориш тури	Ерларнинг бонитет баллари ҳисоб-китоби бўйича коэффициентлар				
	0 — 20	21 — 40	41 — 60	61 — 80	81 — 100
Пахта					
Томчилатиб суғориш	1,2	1,1	1,0	0,9	0,8
Кенг қамровли ёмғирлатиб суғориш тизими	0,95	0,85	0,75	0,65	0,55
Дискрет суғориш	1,2	1,1	1,0	0,9	0,8
Донли экинлар					
Кенг қамровли ёмғирлатиб суғориш тизими	1,2	1,1	1,0	0,9	0,8
«Спринклер» тизими	1,7	1,6	1,5	1,4	1,3
Сабзаёт экинлари ва картошка					
Томчилатиб суғориш	0,15	0,14	0,13	0,12	0,11
Кенг қамровли ёмғирлатиб суғориш тизими	0,35	0,3	0,25	0,2	0,15
«Спринклер» тизими	0,6	0,5	0,4	0,3	0,2
Полиз экинлари					
Томчилатиб суғориш	0,15	0,14	0,13	0,12	0,11
Озуқабоп экинлар					
Кенг қамровли ёмғирлатиб суғориш тизими	0,7	0,6	0,5	0,4	0,3
«Спринклер» тизими	0,7	0,6	0,5	0,4	0,3

Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги **низомга**
2-ИЛОВА

Сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этишга кўмаклашиш бўйича туман ишчи комиссиясига

_____ **ТОМОНИДАН**

(қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчи номи ва раҳбарнинг Ф.И.О.)

АРИЗА

_____ худудида фаолият
кўрсатаётган

(худуд
номи)

_____ туманда 20__ йилда сув
тежовчи

(қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчи номи)

суғориш технологияларини жорий қилиш манзилли рўйхатига бизга
ажратилган жами _____ гектар ер участкасида, жумладан _____ рақамли
контурдаги _____ гектар, _____ рақамли контурдаги _____ гектар, _____
рақамли контурдаги _____ гектар майдонда

етиштириш

(қишлоқ хўжалиги экин турининг номи)

учун _____ суғориш

технологиясини жорий

(сув тежовчи суғориш технологиясининг
номи)

қилиш

лойиҳасини

киритишингизни

сўрайман.

Ер участкаси _____

орқали сув

(сув манбаи
номи)

Ер участкаси электр тармоғи билан

(таъминланган, таъминланмаган)

Хизмат кўрсатувчи тижорат банки

Илова: Ер участкасининг қишлоқ хўжалиги
харитасидан кўчирма.

_____ раҳбари _____

(қишлоқ
хўжалиги
ишлаб
чиқарувчи
номи)

(имзо)

(Ф.И.О.)

Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги **низомга**
3-ИЛОВА

Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаш

СХЕМАСИ

Олдинги тахрирга қаранг.

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Талабгорлар	Келгуси йилда сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш бўйича туман ишчи комиссиясига ариза билан ёзма ёки белгиланган тартибда электрон шаклда мурожаат қилади.	Ҳар календарь йилининг 1 февралига қадар
2-босқич	Туманлар ишчи комиссиялари	1. Талабгорларнинг аризаларини қабул қилади ва жойига чиқиб ўрганади ҳамда унинг натижаси билан келгуси йилда сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш бўйича туман манзилли рўйхатларини шакллантиради. 2. Туман манзилли рўйхатлари туман ишчи комиссияси барча аъзолари томонидан имзоланади ва туман ишчи комиссияси раҳбари томонидан тасдиқланади ҳамда	Уч иш куни Ҳар календарь йилининг 15 февралига қадар

		<p>кўриб чиқиш учун ҳудудий ишчи гуруҳига тақдим қилинади.</p>	
3-босқич	<p>Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудий ишчи гуруҳлари</p>	<p>1. Туманларнинг манзилли рўйхатларини таҳлил қилади, заруратга кўра, талабгорларнинг таклифларини жойига чиқиб қўшимча равишда ўрганади.</p> <p>2. Ҳудудий манзилли рўйхатларни шакллантиради. Ҳудудий манзилли рўйхатлар ҳудудий ишчи гуруҳининг барча аъзолари томонидан имзоланади ва ҳудудий ишчи гуруҳи раҳбари томонидан тасдиқланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига тақдим қилинади.</p>	<p>Ҳар календарь йилнинг 1 мартига қадар</p>
4-босқич	<p>Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги</p>	<p>1. Ҳудудий манзилли рўйхатларни Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси билан</p>	<p>Ҳар календарь йилнинг 1 апрелига қадар</p>

		<p>биргаликда таҳлил қилади.</p> <p>2. Келгуси йилда сув тежовчи суғориш технологияларини жорий қилиш бўйича манзилли дастур лойиҳасини шакллантиради ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси билан келишилган ҳолда тасдиқлаш учун белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарига тасдиқлаш учун тақдим этади.</p>	
<p>5-босқич</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари</p>	<p>1. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан тақдим қилинган манзилли дастурни тасдиқлайди.</p> <p>2. Тасдиқланган манзилли дастурни Ўзбекистон</p>	<p>Ҳар календарь йилнинг 15 апрелига қадар</p>

	бўйича ўринбосари	<p>Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларига ижро учун юборади.</p>	
6-босқич	Талабгорлар	<p>Сув тежовчи суғориш технологиялари тўлиқ жорий қилингандан сўнг уларни фойдаланишга қабул қилиш ва субсидия ажратиш учун туман ишчи комиссиясига ёзма ёки белгиланган тартибда электрон шаклда мурожаат қилади.</p>	<p>Сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш яқунлангандан сўнг</p>
7-босқич	Туманлар ишчи комиссиялари	<p>Талабгорларнинг мурожаатларини тасдиқланган ҳудудий манзилли рўйхатда борлигини текширади. Тасдиқланган ҳудудий манзилли рўйхатда бор талабгор томонидан жорий қилинган сув тежовчи суғориш</p>	<p>Уч иш куни</p>

		<p>технологияларини жойига чиқиб талабгор ва пурутчи ташкилот вакили иштирокида ҳар томонлама пухта ўрганади ва ишлатиб кўради ҳамда тегишли далолатномани расмийлаштиради.</p> <p>Далолатнома расмийлаштирилган талабгорга субсидия ажратиш тўғрисида хулоса тайёрлайди. Далолатнома ва хулоса туман ишчи комиссияси барча аъзолари томонидан имзоланади ва туман ишчи комиссияси раҳбари томонидан тасдиқланади.</p> <p>Хулосалар умумлаштирилиб, уларнинг рўйхатларини ҳудудий ишчи гуруҳига белгиланган тартибда тақдим қилади. Ушбу рўйхатларга далолатномаларни ва талабгорларга субсидия ажратиш тўғрисидаги хулосаларни илова қилади.</p>	<p>Ҳар 10 кунда</p>
<p>8-босқич</p>	<p>Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудий ишчи гуруҳлари</p>	<p>Туман ишчи комиссиясининг субсидия оладиган талабгорларнинг рўйхатларини таҳлил қилади, заруратга</p>	<p>Рўйхатлар келиб тушган кундан икки иш куни</p>

		<p>кўра жойига чиқиб ўрганади.</p> <p>Рўйхатларни умумлаштиради ва субсидия оладиган талабгорларнинг рўйхатларини шакллантириб, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига, пахта хом ашёси етиштириш учун томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш бўйича субсидия олувчилар рўйхатларини эса Сув хўжалиги вазирлигига белгиланган тартибда тақдим этади. Ушбу рўйхатларга далолатномаларни ва талабгорларга субсидия ажратиш тўғрисидаги хулосаларни илова қилади.</p>	<p>Ҳар 10 кунда</p>
<p>9-босқич</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги</p>	<p>Худудий ишчи гуруҳлар томонидан тақдим этилган рўйхатларни улар келиб тушган кундан бошлаб ўн кун ичида Сув хўжалиги вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари</p>	<p>Рўйхатлар келиб тушган кундан бошлаб ўн кун ичида</p>

		<p>кенгаши ҳамда «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси билан биргаликда кўриб чиқиб умумлаштиради.</p> <p>Якуний умумлаштирилган рўйхатларга мувофиқ талабгорларнинг сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаб бериш мақсадида уларнинг тижорат банкларидаги ҳисобрақамларига субсидияларни ўтказиб беради.</p>	
<p>10-босқич</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги</p>	<p>Пахта хом ашёси етиштириш учун томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш бўйича субсидия олувчилар рўйхатларини улар келиб тушган кундан бошлаб ўн кун ичида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳамда «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси билан биргаликда кўриб чиқиб умумлаштиради.</p> <p>Якуний умумлаштирилган рўйхатларга мувофиқ</p>	<p>Рўйхатлар келиб тушган кундан бошлаб ўн кун ичида</p>

		<p>талабгорларнинг пахта хом ашёсини етиштириш учун сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш мақсадида уларнинг тижорат банкларидаги ҳисобрақамларига субсидияларни ўтказиб беради.</p> <p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси ҳамда худудий ишчи гуруҳлар билан биргаликда талабгорлар томонидан жорий қилинган сув тежовчи суғориш технологияларидан самарали фойдаланиш юзасидан тизимли мониторинг олиб боради ҳамда юзага келган муаммоларни бартараф қилишда уларга ҳар томонлама кўмаклашади.</p>	<p>Сув тежовчи суғориш технологияларидан фойдаланиш Даврида</p>
--	--	---	---

Жами 140 кун*

*- бунда талабгорлар томонидан сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш учун кетадиган вақт ҳисобга олинмаган.

(3-илова Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 июндаги 411-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.06.2020 й., 09/20/411/1000-сон)

Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сув тежовчи суғориш
технологияларини жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаб
бериш тартиби тўғрисидаги **низомга**
4-ИЛОВА

«Тасдиқлайман»

_____ Сув тежовчи суғориш
технологияларини жорий этишга
кўмаклашиш бўйича туман ишчи
комиссияси раҳбари

_____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

20__ йил «__» _____

_____ туманида сув тежовчи суғориш
технологияларини жорий этишга кўмаклашиш
бўйича ишчи комиссиясининг
ХУЛОСАСИ

_____ туманида сув тежовчи суғориш
технологияларини жорий этишга

(туман номи)

кўмаклашиш бўйича туман ишчи комиссия _____
экинини етиштиришда

_____ суғориш технологиясини
жорий қилган _____

(сув тежовчи суғориш технологияси
тури)

_____ НИНГ

20__ йил _____ даги

(қишлоқ хўжалиги ишлаб
чиқарувчи номи)

муружаатини жойида ўрганиб чиқди ва
қуйидагиларни аниқлади:

1. _____

20__ йилда _____ га

(қишлоқ хўжалиги ишлаб
чиқарувчи номи)

майдонда, жумладан, _____ рақамли контурда _____ га,

_____ рақамли контурда _____ га,

_____ рақамли контурда _____ га, ... _____ экинини

етиштиришда _____

(экин тури)

_____ суғориш технологиясини
жорий қилиш учун жами
(сув тежовчи суғориш
технологияси тури)
қиймати _____ сўм бўлган лойиҳа ишлаб чиққан
ҳамда уни жорий қилиш
учун _____ билан жами
қиймати _____ сўм
(пудрат, хизмат кўрсатиш
ташкilotи номи)

бўлган
шартнома
тузган;

2. _____ тижорат банки билан

_____ (сув тежовчи суғориш технологияси тури)
суғориш технологиясини жорий қилиш учун жами
_____ сўмга
_____ фоизли кредит шарномасини тузган ҳамда амалда
_____ сўм

кредит олган (мавжуд
бўлса);

3. 20 _____ йилда жами _____ га майдонда, жумладан,
_____ рақамли

контурда _____ га, _____ рақамли контурда _____ га, _____ рақамли
контурда _____ га, ...

_____ экинини етиштириш учун

_____ суғориш
(экин тури) (сув тежовчи суғориш технологияси тури)
технологиясини жорий қилган ва
ишга туширган.

ХУЛОСА:

_____ га жами
_____ сўм

(қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчи
номи)

миқдорида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан субсидия
ҳамда тижорат

банкнинг кредитлари бўйича _____ фоиз
харажатларини қоплаш учун

_____ сўм тўлаш мақсадга
мувофик.

Туман ишчи комиссия аъзолари:

Т/р	Ф.И.О. Имзо	Лавозими
1.		туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, туман ишчи комиссияси раҳбарининг ўринбосари
2.		Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекциясининг туман бўлими бошлиғи
3.		туман қишлоқ хўжалиги бўлим бошлиғи
4.		туман ирригация бўлим бошлиғи — туман ишчи комиссияси ишчи органи раҳбари
5.		туман молия бўлим бошлиғи
6.		туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлим бошлиғи
7.		туманер ресурслари ва давлат кадастри бўлим бошлиғи
8.		туман электр таъминоти корхонаси директори
9.		туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси
10.		хизмат кўрсатувчи тижорат банк раҳбари
11.		Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, «_____» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги насос станциялари ва энергетика бошқармасининг туман участкаси бошлиғи
12.		Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, «_____» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги мелиоратив экспедиция туман участкаси бошлиғи
13.		хизмат кўрсатувчи сув истеъмолчилари уюшмаси раҳбари

Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги **низомга**

5-ИЛОВА

Сув тежовчи суғориш технологияларини харид қилиш ва қуришга ажратиладиган банк кредитлари бўйича фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар

МИҚДОРЛАРИ

Суғориш тури	Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан банк кредитлари бўйича фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаш
Пахта	
Томчилатиб суғориш	1 гектар экин майдони учун 20 миллион сўмдан ошмайдиган қисми бўйича валюта туридан қатъи назар, тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 50 фоизи миқдорда, бироқ миллий валютадаги кредитлар учун — 10 фоизлик пунктдан ошмаган миқдорда, хорижий валютадаги кредитлар учун — 3 фоизлик пунктдан ошмаган миқдорда
Кенг қамровли ёмғирлатиб суғориш тизими	
Дискрет суғориш	Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси тўғрисидаги низомда назарда тутилган шартларда
Донли экинлар	
Кенг қамровли ёмғирлатиб суғориш тизими	1 гектар экин майдони учун 20 миллион сўмдан ошмайдиган қисми бўйича валюта туридан қатъи назар, тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 50 фоизи миқдорда, бироқ миллий валютадаги кредитлар учун — 10 фоизлик пунктдан ошмаган миқдорда, хорижий валютадаги кредитлар учун — 3 фоизлик пунктдан ошмаган миқдорда
«Спринклер» тизими	
Сабзавот экинлари ва картошка	
Томчилатиб суғориш	Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси тўғрисидаги низомда назарда тутилган шартларда
Кенг қамровли ёмғирлатиб суғориш тизими	
«Спринклер» тизими	
Полиз экинлари	
Томчилатиб суғориш	Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси тўғрисидаги низомда назарда тутилган шартларда

Озуқабоп экинлар

Кенг қамровли ёмғирлатиб суғориш тизими	Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси тўғрисидаги низомда назарда тутилган шартларда
«Спринклер» тизими	

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 февралдаги 98-сон қарорига
2-ИЛОВА

Янги интенсив боғ, узумзор ва иссиқхона хўжаликларида сув тежовчи технологияларни жорий қилишга сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаб бериш тартиби тўғрисида

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига ташкил этиладиган янги интенсив боғ, узумзор ва иссиқхона хўжаликларида сув тежовчи технологияларни жорий қилишга сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаб бериш тартибини белгилайди.

2. Субсидиялар 2019 йилда ва ундан кейинги йилларда ташкил этилган янги интенсив боғ, узумзор ва иссиқхона хўжаликларида сув тежовчи технологияларни жорий қилган лойиҳалар ташаббускорларига берилади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

лойиҳа — янги интенсив боғ, узумзор ва иссиқхона хўжаликларида сув тежовчи технологияларни жорий қилиш бўйича тадбирлар мажмуи;

лойиҳа ташаббускори — 2019 йилда ва ундан кейинги йилларда ташкил этилган янги боғ, узумзор ва иссиқхона хўжаликларида сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш юзасидан мурожаат қилган шахс;

интенсив боғ — пакана ва ярим пакана пайвандтагларда етиштирилган кўчатларни зич схемада экиб, томчилатиб суғориш тизими асосида ташкил этилган боғ;

сув тежовчи суғориш технологиялари — қишлоқ хўжалиги экинларини томчилатиб, ёмғирлатиб ва ерларни лазер ёрдамида текислаган ҳолда дискрет суғориш тизими;

томчилатиб суғориш — қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришнинг ўсимликларнинг илдизи ёнидаги зонага кам миқдорда (томчилатиб) сув етказиб берадиган усули;

томчилатиб суғориш тизими — сув тиндиргич (ҳовуз), сув насоси, сув тозалагичлар (филтрлар), минерал ўғитлар эритмасини тайёрловчи мослама, сувни бошқариш ва ўлчаш воситалари, сув етказувчи, сув тарқатувчи ва сув томизгичли қувурлардан иборат суғориш мажмуаси;

ер бонитировкаси — қишлоқ хўжалиги экинларининг ўртача агротехника даражасида тупроқ сифати ва табиий ишлаб чиқариш унумдорлигининг 100 баллик шкала бўйича қиёсий баҳоси.

4. Янги интенсив боғ, узумзор ва иссиқхона хўжалиklarини ташкил этишда сув тежовчи суғориш технологияларини жорий қилиш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмини қоплаб бериш мақсадида:

жорий этилган томчилатиб суғориш тизимлари учун субсидияларнинг базавий ҳисоблаш миқдори экин майдонининг ҳар бир гектари учун 8 миллион сўм;

майдони 35 гектардан зиёд боғ ва узумзорлар учун сув чиқариш учун бурғиланган суғориш қудуқлари, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станцияларини қуришга 120 миллион сўмдан ошмайдиган миқдорда субсидия ажратилади.

Агар шартномада сув тежовчи суғориш технологияларини жорий қилишга сарфланган харажатлар белгиланган субсидия миқдоридан кам бўлган тақдирда, субсидия шартномада назарда тутилган суммага ажратилади.

5. Томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун ҳар гектар майдонга субсидиялар миқдори субсидияларнинг базавий ҳисоблаш миқдorigа экин тури ва ерларнинг бонитет балларидан келиб чиқадиган коэффициентни кўпайтириш йўли билан қуйидагича аниқланади:

Суғориш тури	Ерларнинг бонитет баллари ҳисоб-китоби бўйича коэффициентлар				
	0 — 20	21 — 40	41 — 60	61 — 80	81 — 100
Мевали экинлар					
Томчилатиб суғориш тизими	0,85	0,80	0,75	0,70	0,65
Узум					
Томчилатиб суғориш тизими	1,2	1,1	1,0	0,9	0,8

6. Лойиҳалар ташаббускорларига субсидиялар:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги қошидаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси Кенгаши;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги қошидаги Узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси Кенгаши (кейинги ўринларда Кенгашлар деб аталади) қарорларига асосан берилади.

7. Субсидиялар:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги қошидаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) ҳисобидан ҳамда Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар тенг улушларда;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлигининг Узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) ҳисобидан ажратилади.

8. Лойиҳалар субсидиялар ҳисобидан ушбу Низомга **1-иловага** мувофиқ схема бўйича молиялаштирилади.

2-боб Лойиҳалар ташаббускорларининг сув тежовчи суғориш технологияларини жорий қилишга сарфланган харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш тартиби

9. Лойиҳалар ташаббускорлари субсидия олиш учун тегишлилиги бўйича Агентликларга ёзма ёки белгиланган тартибда электрон шаклда қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилади:

юридик шахсининг номи, солиқ тўловчининг идентификацион рақами (СТИР) ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили, сўраётган субсидиянинг мақсади, лойиҳани амалга ошириш жойи, хизмат кўрсатувчи тижорат банки номи ва банкдаги ҳисобрақами кўрсатилган ҳолда субсидия бериш тўғрисидаги ариза;

янги интенсив боғ, узумзор ва иссиқхона барпо этиш учун ер участкаси ажратилганлиги тўғрисида ҳужжатлар нусхаси;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчисининг ер участкасига тузилган узоқ муддатли ижара шартномаси нусхаси;

ушбу Низомга **2-иловага** мувофиқ шаклда лойиҳа тўғрисида маълумот.

10. Агентликлар:

лойиҳалар ташаббускорлари томонидан субсидиялар олиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатларнинг уч иш кунида ушбу Низом талабларига мувофиқлигини ўрганиб чиқади;

тақдим қилинган ҳужжатлар ушбу Низомнинг **9-бандига** мувофиқ бўлмаган, 2019 йилдан олдин ташкил қилинган, шунингдек, интенсив бўлмаган боғ ва узумзорлар учун субсидиялар сўралганда ва бошқа камчиликлар аниқланганда, лойиҳалар ташаббускорларини бу ҳақда хабардор қилади;

лойиҳалар ташаббускорлари томонидан йўл қўйилган камчиликлар Агентликлар томонидан хабардор қилгандан сўнг етти иш куни мобайнида бартараф қилинмаган тақдирда, ҳужжатларни лойиҳалар ташаббускорларига қайтаради;

лойиҳалар ташаббускорларининг субсидиялар олиш бўйича ушбу Низом талабларига мувофиқ бўлган ҳужжатларини тегишлилигича Кенгашларга навбатдаги йиғилишларида кўриб чиқиш учун киритади.

11. Кенгашлар:

Агентликлар томонидан лойиҳалар ташаббускорларининг субсидиялар ажратиш юзасидан киритган ҳужжатларини (таклифларини) кўриб чиқади, субсидиялар ажратиш тўғрисида ёки ажратишни рад этиш тўғрисида тегишли қарорларни қабул қилади ҳамда субсидиялар ажратиладиган лойиҳалар ташаббускорларининг манзилли рўйхатларини тасдиқлайди;

ажратилган субсидиялардан бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳолатлари аниқланган тақдирда молиялаштиришни тўхтатади ва ажратилган маблағларни ундириш чораларини кўради;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади.

12. Кенгашларнинг субсидияларни ажратиш тўғрисидаги ижобий қарорлари субсидия бериш учун асос ҳисобланади.

Кенгашларнинг йиғилишлари бир ойда камида бир мартаба ўтказилади.

13. Агентликлар:

Кенгашлар томонидан қабул қилинган қарорлар тўғрисида лойиҳалар ташаббускорларини уч иш куни мобайнида хабардор қилади;

Кенгашлар томонидан субсидияни бериш тўғрисида қабул қилинган қарорлар асосида лойиҳалар ташаббускорлари билан субсидиялар ажратиш тўғрисида тегишли шартномаларни расмийлаштиради;

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Давлат бюджетининг асосий параметрлари тасдиқлангандан сўнг сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун ажратилган маблағларни белгиланган тартибда тегишлилиги бўйича Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги ҳамда Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлигига етказилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ушбу мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар ҳисоби тегишлилиги бўйича Агентликларда очиладиган махсус шахсий ғазна ҳисобварақларида юритилади.

15. Субсидиялар лойиҳалар ташаббускорларига улар томонидан янги интенсив боғ, узумзор ва иссиқхоналарда сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш ишлари якунланиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган намунавий таркибда Сув тежовчи суғориш технологияларини жорий қилишга кўмаклашиш бўйича туман ишчи комиссиясининг (кейинги ўринларда туман ишчи комиссияси деб аталади) уларни фойдаланишга қабул қилиш юзасидан тасдиқланган далолатномалари Агентликларга тақдим этилгандан сўнг бир ой муддатда ажратилади.

16. Субсидия миқдори туман ишчи комиссияси томонидан тасдиқланган далолатномалардаги лойиҳа кўрсаткичлари асосида берилади.

Туман ишчи комиссияси раҳбари ва аъзолари тасдиқланган далолатномаларнинг ҳаққонийлигига масъул ҳисобланади.

17. Субсидиялар лойиҳалар ташаббускорларининг хизмат кўрсатувчи тижорат банкларида очилган махсус 22626 ҳисобварақларига (ташкilotларнинг мақсадли маблағлари) ўтказилади.

3-боб. Субсидия олувчининг мажбуриятларининг бажарилиши бўйича мониторингини олиб бориш тартиби

18. Янги интенсив боғ, узумзор ва иссиқхона барпо қилиш ишлари лойиҳалар ташаббускорлари томонидан субсидия олингандан сўнг 12 ойдан ошмаган муддатда яқунланиши лозим.

19. Агентликлар туманлар (шаҳар) ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари, туманлар қишлоқ хўжалиги бўлим бошлиқлари, ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари бошлиқлари билан биргаликда ушбу Низомнинг **18-бандида** белгиланган муддат ўтгач икки ой ичида субсидия ажратиш тўғрисида шартномаларда кўрсатилган параметрлар бажарилиши юзасидан мониторингни амалга оширади.

Мониторинг яқунлари бўйича лойиҳалар ташаббускорлари билан Агентликлар ўртасида имзоланган шартномада кўрсатилган параметрлар лойиҳалар ташаббускорлари томонидан бажарилгани ёки бажарилмагани тўғрисида далолатномалар расмийлаштирилади. Далолатномалар туман (шаҳар) ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи, ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи ва Агентликлар вакиллари томонидан имзоланади.

20. Агентликлар субсидия ажратилгандан сўнг 12 ой давомида субсидия ажратиш тўғрисида шартнома шартлари лойиҳалар ташаббускорлари томонидан бажарилмаган тақдирда, уларга ажратилган субсидияларни Агентликка қайтариш ҳақида ёзма хабарнома юборади. Лойиҳалар ташаббускорлари ушбу хабарномаларни олган кундан эътиборан бир ой мобайнида олинган субсидияларни Агентликларнинг тегишли махсус шахсий ғазна ҳисобварағига қайтариши лозим.

Бунда лойиҳанинг бажарилмаган қисмига тенг бўлган субсидия суммаси қайтарилиши лозим.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

21. Тасдиқланган манзилли рўйхатлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Агентликлар, Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг расмий веб-сайтларида эълон қилинади.

22. Лойиҳалар ташаббускорларининг сув тежовчи суғориш технологияларини жорий қилиш билан боғлиқ харажатларининг бир қисмини қоплаш бўйича бюджетдан ажратиладиган маблағлардан самарали фойдаланилиши юзасидан назорат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат молиявий назорати бош бошқармаси томонидан амалга оширилади.

23. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Янги интенсив боғ, узумзор ва иссиқхоналарда сув тежовчи технологияларни жорий қилишга сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш тартиби

тўғрисидаги **низомга**

1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги
Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги
қошидаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш
жамғармаси ҳамда Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш
агентлиги қошидаги Узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни
қўллаб-қувватлаш жамғармаси субсидиялари ҳисобидан лойиҳаларни
молиялаштириш**

СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
<p align="center">1-босқич</p>	<p align="center">Лойиҳа ташаббускори</p>	<p>1. Субсидия маблағларини олиш учун зарур хужжатларни тайёрлайди.</p> <p>2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги ҳамда Узумчилик ва иночиликни ривожлантириш агентлигига (кейинги ўринларда Агентликлар деб аталади) хужжатларни ёзма ёки белгиланган тартибда электрон шаклда тақдим қилади.</p>	<p align="center">Ташаббус кўрсатиш тартибида</p>
<p align="center">2-босқич</p>	<p align="center">Агентликлар</p>	<p>Лойиҳалар ташаббускорлари томонидан субсидиялар олиш учун тақдим қилинадиган хужжатларнинг ушбу Низом талабларига мувофиқлигини ўрганиб чиқади ва уларнинг субсидиялар олиш бўйича ушбу Низом талабларига мувофиқ бўлган хужжатларини</p>	<p align="center">Уч иш куни</p>

		тегишлилиги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси кенгаши ёки Узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни кўллаб-қувватлаш жамғармаси кенгашига (кейинги ўринларда Кенгашлар деб аталади) навбатдаги йиғилишларида кўриб чиқиш учун киритади.	
3-босқич	Кенгашлар	Агентликлар томонидан лойиҳалар ташаббускорларининг субсидиялар ажратиш юзасидан киритилган хужжатларини (таклифларини) кўриб чиқади ва тегишли қарорларни қабул қилади, шунингдек, субсидиялар ажратиладиган лойиҳалар ташаббускорларининг манзилли рўйхатларини тасдиқлайди.	Бир ой
4-босқич	Агентликлар	Лойиҳалар ташаббускорларини Кенгашлар томонидан қабул қилинган қарорлар тўғрисида хабардор қилади ва Кенгашлар томонидан субсидияни бериш тўғрисида қабул қилинган қарорлар асосида лойиҳалар ташаббускорлари билан субсидиялар ажратиш тўғрисида тегишли	Уч иш куни

		шартномаларни расмийлаштиради.	
5-босқич	Агентликлар	<p>Субсидияларни лойиҳалар ташаббускорларига улар томонидан янги интенсив боғ, узумзор ва иссиқхоналарда сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш ишлари якунланиб, туман ишчи комиссияси томонидан тасдиқланган далолатномалар тақдим этилгандан сўнг ажратади.</p> <p>Субсидия ажратиш тўғрисида шартнома шартлари бажарилгандан сўнг субсидия маблағларини лойиҳа ташаббускорининг тижорат банкида очилган махсус 22626 ҳисобварағига ўтказди.</p>	Бир ой муддатда
6-босқич	Лойиҳалар ташаббускорлари	<p>Субсидиялардан қатъий равишда янги интенсив боғ, узумзор ва/ёки иссиқхона хўжаликларида сув тежовчи суғориш технологиясини жорий қилиш ва/ёки суғориш қудуқларини бурғилаш, шунингдек, насос станциясини қуриш учун белгиланган мақсадларда фойдаланади.</p>	Шартнома шартларига мувофиқ
7-босқич	Агентликлар	Туманлар (шаҳар) ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари,	Белгиланган муддат ўтгач икки ой ичида

туманлар қишлоқ хўжалиги бўлим бошлиқлари, ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари бошлиқлари билан биргаликда 12 ой муддат ўтгач икки ой ичида субсидия ажратиш тўғрисида шартномаларда кўрсатилган параметрлар бажарилиши юзасидан мониторингни амалга оширади.

Мониторинг яқунлари бўйича лойиҳалар ташаббускорлари билан Агентликлар ўртасида имзоланган шартномада кўрсатилган параметрлар лойиҳалар ташаббускорлари томонидан бажарилгани ёки бажарилмагани тўғрисида далолатномалар расмийлаштирилади.

Субсидия ажратиш тўғрисида шартнома шартлари лойиҳалар ташаббускорлари томонидан бажарилмаган тақдирда, уларга ажратилган субсидияларни Агентликка қайтариш ҳақида ёзма хабарнома юборади. Лойиҳалар ташаббускорлари ушбу хабарномаларни олган кундан эътиборан бир ой мобайнида олинган субсидияларни Агентликларнинг тегишли махсус шахсий ғазна

ёзма хабарнома олган кундан эътиборан бир ой ичида

хисобварағига қайтариши
ЛОЗИМ.

Жами 68
кун*

*- бунда лойиха ташаббускорлари томонидан сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш учун кетадиган вақт ҳисобга олинмаган.

Янги интенсив боғ, узумзор ва иссиқхоналарда сув тежовчи технологияларни жорий қилишга сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Интенсив боғ, узумзор ва иссиқхона ташкил этиш лойихаси тўғрисида МАЪЛУМОТ

1. Лойиха ташаббускори _____
2. Янги интенсив боғ, узумзор ва иссиқхонанинг умумий майдони ____ га.
3. Томчилатиб суғориш тизими жорий этиладиган майдон _____ га.
4. Лойиха амалга ошириладиган жойнинг манзили _____.
5. Мевали дарахт (узум ёки иссиқхонада парваришланадиган маҳсулот) тури ва нави, кўчат сони, экиш схемаси режаси, экин майдони _____ га.
6. Лойихани амалга ошириш муддати _____ .
7. Яратиладиган иш ўрни ____ киши.
8. Лойиханинг умумий қиймати - _____ млн сўм ёки _____ АҚШ доллари, шундан:

Т/р	Амалга ошириладиган ишлар	Лойиханинг умумий қиймати, млн сўм	Молиялаштириш манбалари, млн сўм		
			лойиха ташаббускорларининг маблағлари	Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси ёки Узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси субсидиялари	тижорат банклари кредитлари, бошқа манбалар ҳисобига
1.	Агротехник тадбирлар (ер ҳайдаш, чизеллаш, ерни текислаш ва				

	бошқа ишлар)						
2.	Тупрокқа минерал ўғитлар ва бошқа кимёвий моддалар билан ишлов бериш						
3.	Медали дарахт (ёки кўчат, узум) ниҳолларини харид қилиш ва уларни экиш						
4.	Сув чиқариш учун кудуқлар ва насос станцияси куриш						
5.	Томчилаб суғориш тизимини жорий қилиш						
6.	Бошқа харажатлар						
	ЖАМИ:						

Келтирилган маълумотлар ишончли бўлиб, биз интенсив боғ, узумзор (ва/ёки иссиқхонани) ташкил этиш бўйича лойиҳа тўлиқ ҳажмда ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишига кафолат берамиз.

Ташкилот раҳбари _____

(Ф.И.О.)

(имзо)

Изоҳ. Лойиҳаларни молиялаштиришнинг аниқ манбалари кўрсатилмаган лойиҳалар кўриб чиқилмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 февралдаги 98-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этишга кўмаклашиш
бўйича туманлар ишчи комиссияларининг**

НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ

1. Туман ҳокими, туман ишчи комиссияси раҳбари
2. Туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, туман ишчи комиссияси раҳбарининг ўринбосари
3. Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекциясининг туман бўлими бошлиғи
4. Туман қишлоқ хўжалиги бўлим бошлиғи
5. Туман ирригация бўлими бошлиғи, туман ишчи комиссиясининг ишчи органи раҳбари
6. Туман молия бўлими бошлиғи
7. Туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлим бошлиғи
8. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлим бошлиғи
9. Туман электр таъминоти корхонаси директори
10. Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари ҳудудий кенгаш раиси
11. Хизмат кўрсатувчи тижорат банк раҳбари
12. Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, «_____» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги насос станциялари ва энергетика бошқармасининг туман участкаси бошлиғи
13. Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, «_____» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги мелиоратив экспедициянинг туман участкаси бошлиғи
14. Хизмат кўрсатувчи сув истеъмолчилари уюшмаси раҳбари.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 февралдаги 98-сон қарорига
4-ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 июндаги 481-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги қошидаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси тўғрисида низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 6-банднинг «б» кичик банди **иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«бир гектар экин майдонига томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш учун 8 миллион сўмдан ошмайдиган миқдорда»

2. 7-банддан **иккинчи хатбоши** чиқариб ташлансин.

3. **10, 15 — 24-бандлар** ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 февралдаги 98-сон қарорига
5-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб ҳисобланаётган қарорлари

РЎЙХАТИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Пахта хом ашёси етиштирувчиларнинг томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш билан боғлиқ харажатларини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2019 йил 6 февралдаги 103-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 2019 йил 12 июлдаги 575-сон қарорига 7-илованинг 24-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Мева маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш асосидаги сув тежовчи технологияларни жорий қилишга кетган харажатларини қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2019 йил 12 августдаги 664-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2019 й., 8-сон, 181-модда).

*(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.02.2020 й.,
09/20/98/0191-сон, 27.06.2020 й., 09/20/411/1000-сон)*